

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Рўйхатга олинди:
№ МД-5А120302-
“ ” 2019 йил

Ўқув ишлари бўйича проректор
А.С. Колесов
2019 йил “ ”



ДАЛА ЭТНОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАР ЎТКАЗИШ
УСУЛЛАРИ ФАНИНИНГ
ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100000	–	Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	120000	–	Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши:	5А120402-	Этнография, этнология ва антропология (1босқич магистратура таълим йўналиши)	

Самарқанд – 2019

Фан дастури Самарканд давлат университети Тарих факултети кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2019 йил “___” _____ даги “_____”-сонли баённома).

Факултет декани:

**TARIX
FAKULTETI**

доц.Д.М. Джуракулова

Фан дастури Самарканд давлат университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

Журакулов М.Ж - СамДУ, «Археология» кафедраси
профессори

Тақризчилар:

Сайфуллаев Б.К. – Археологик
тадқиқотлар институти ЕИХ, т.ф.н
Мирзаахмедов Ж.К - Археологик тадқиқотлар институти ЕИХ,
т.ф.н.

Фаннинг дастури Самарканд давлат университети ўқув-услубий кенгашининг 2019 йил “___” _____ даги “___”-сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Келишилди. Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи:

доц Аликулов Б.

Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу дастур курснинг мақсад ва вазифалари, этнологик дала тадқиқотларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳозирги даврнинг долзарб талаби эканлигига муддатли ва стационар услубда экспедициялар ўтказишнинг ўзига хос томонлари, тадқиқотчи магистрларнинг дала ҳужжатларини тўлдиришнинг қоидалари ва уни табиий шароитга қараб сақлашнинг баъзи усуллари, чизма маълумотлар ва фотосуратларни сақлашнинг баъзи қоидалари, дала этнографик тадқиқотлар ўтказиш усуллари ва уларнинг турлари қабил масалалар билан таништириш, мавжуд илмий адабиётлар ва замонавий назариялар ҳамда олиб борилаётган тадқиқот ишларини ўрганиш қабил масалаларни ўз ичига қамраб олади.

II. Ўқув фанининг мақсад ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад - магистрларда этнографик экспедициялар ташкил этиш ва ўтказишга оид билим, кўникма ва малака шакллантиришдир.

Фаннинг вазифаси - магистрлик диссертацияси мавзусини ёритишда этнографик экспедицияларни тўғри ташкил этиш ва ўтказиш, дала маълумотларидан фойдаланишни ўргатишдан иборат.

“Дала этнографик тадқиқотлар ўтказиш усуллари” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида магистр:

- Дала этнографик тадқиқотлар ўтказиш усуллари курсининг мақсад ва вазифаси, дала этнографик материаллардан фойдаланишни билиши керак;

Талаба этнографик маълумотларни илмийлик, тарихийлик, ҳолислик асосида ўрганиш кўникмаларига эга бўлиши керак:

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.

“Дала этнографик тадқиқотлар ўтказиш усуллари” фани умумқасбий фан ҳисобланиб, I семестрларда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш, ўқув режасида режалаштирилган Ўрта Осиё этнологиясининг долзарб муаммолари, Маданий антропология. Этносоциология, Этнопсихология фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлда “Ўзбекистан Республикаси Фанлар Академияси тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида ўзбек халқи ва унинг

давлатчилиги тарихини холисона ўрганишнинг илмий асосларини шакллантириш, тадқиқотларни замонавий талаблар даражасига кўтариш, давлатчиликнинг ҳаққоний тарихини тарихий манбалар асосида ўрганши вазифаси белгиланган. Дала этнографик материаллар орқали ўзбек ҳалқи турмуш тарзи ва маданиятига дойр куплаб маълумотларни қўлга киритишимиз ва илмий жихатдан холис ўрганишимиз мумкин.

Талабаларнинг “Дала этнографик тадқиқотлар ўтказиш усуллари” фанини ўздаштиришлари учун ўқитишнинг илғор усулларидан фойдаланиш.

Янги информанион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар, жадваллардан фойданилади.

Дастурда берилган мавзулар маъруза, семинар шаклида олиб борилади. Шунингдек, фаннинг долзарб масалалари мустакил иш сифатида талабаларга ўзлаштириш учун берилади. Фан замонавий педагогик технологиянинг “Бумеранг”, “аклий хужум” сингари услублари орқали дарслар олиб борилади.

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)

1-мавзу. Фаннинг предмети, тадқиқот доираси, мақсади ва вазифаси

Шаҳар, қишлоқ ва аҳоли пунктларида турар-жойлар ва хўжалик биноларини қуриш билан боғлиқ бўлган урф-одат ва маросимларни, иримлар, моддий маданиятнинг бир қисми бўлган уй-жойлар ва хўжалик-маъмурий биноларни қуришда анъанавий қурилиш санъати услубларидан ва қадимий шарқона меъморчилик услубидан фойдаланишнинг афзаллиги. Қишлоқдаги уй-жойларнинг шаҳарлар билан узвий боғликлиги. Турар жойларни қуришда тарихий, этник, табиий-географик муҳитнинг таъсири. Ўзбекистоннинг турли вилоятларида турар-жойлар ва хўжалик биноларнинг қурилишидаги умумийлик ва ўзига хослик. Уй-жойларни қуришда лойҳа-режаларидаги хусусиятлар.

2-мавзу. Дала этнографик тадқиқотлар ўтказишга тайёргарлик ва унинг назарий жихатлари.

Сўровнома ва унинг турлари. Сўровнома тайёрлашнинг ҳудудий, ижтимоий компоментлари. Хужжатлар тўлдиришнинг қоидалари. Дала тадқиқотларида замонавий технологияларни қўллаш усуллари. Хорижий тажрибалар.

3-мавзу. Дала этнографик тадқиқотларни ўтказишга доир хориж тажрибалари.

Замонавий жаҳон этнологиясида дала тадқиқотлари турлари, мақсад ва вазибалар. Хорижий тадқиқотларда илгари сурилаётган концепциялар. Хориж тажрибасида фаннинг методологияси ва методлари. Дала тадқиқотларида туташ фанлар: Этнопсихология, этносоциология, ижтимоий антропология, археология, оғзаки тарих кабиларнинг иштироки.

Ўзбекларнинг анъанавий кийим кечаклари, тақинчоклари, оёк кийимларининг шаклланиш тарихи. Табиий-географик муҳитининг кийимларга таъсири, инсон ҳаётида тутган ўрни. Кийим турлари: кундалик устки ва ички кийимлар, маросим кийимлар ва мавсумий кийимлар ҳақида маълумот. Кекса ва ўрта ёшдаги аёлларнинг анъанавий кийимлари. Уларни бичиш ва тикиш билан боғлиқ бўлган урф-одат ва иримлар. Қиз болалар кийимдаги ўзига ҳос хусусиятлар. Бош ва оёк кийимлар. Аёллар кийимидаги ижтимоий мавқе ва аёлнинг ёши билан боғлиқ фарқлар. Аёлларнинг анъанавий тақинчоклари, безак ва туморлари.

Эркаklar ва болалар кийими. Эркаklar бош кийими дуппилар ва уларнинг хусусиятлари. Чилла куйлаги. Болалар кийимидаги фарқлар. Эркаklar ва болалар кийимидаги анъанавий элементлар. Эркаklarнинг кундалик ва мавсумий кийимлари. Кийимларнинг ҳудудий хусусиятлари. Оёк кийимлари.

5-мавзу. Уй-рузгор буюмлари. (Идиш товоклар).

Таомлар. Оилада ишлатиладиган уй-рўзгор буюмларининг ўзига хослиги. Уларнинг хўжалик фаолиятининг турларига боғлиқ эканлиги, буюмларнинг ясаш учун ишлатиладиган хом ашё турлари. (Чорвадорларда тери. ёғочдан ясалган уй-рўзгор буюмлари, ўтрок деҳқончилик билан машхур аҳолида сопол чинни ва шиша идишларнинг ишлатилиши). Ўзбекларнинг моддий маданиятида уй рўзгор буюмларининг анъанавий хусусиятларни ўрганишнинг афзалликлари. Уй-рузгор буюмлари билан боғлиқ урф-одат ва

иримлар. Анъанавий таом турлари, уларнинг хўжалик фаолияти билан боғликлиги. Ўзбек миллий таомларининг таркиби ва хусусиятларнинг дала этник тадқиқотлар даврида ўрганиш.

6-мавзу. Социал муносабатлар, ижтимоий ва манавий турмуш.

Дала тадқиқотлари давомида этнос ва этник гуруҳларнинг социал ва ижтимоий муносабатларини оилавий маиший турмушини ўрганиш. Кишиларнинг ишлаб чиқариш жараёнида ўзаро муносабатларни қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг ҳуқук ва мажбуриятларини тартибга солувчи қонун қоида удумларни ўрганиш.

7-мавзу. Ижтимоий ҳаётни ташкил қилиш билан боғлиқ урф-одат ва қоидалар.

Ижтимоий ҳаётни ташкил қилиш билан боғлиқ урф-одат ва қоидаларни ўрганишда жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар (маҳалла-кўй, қишлоқ ва шаҳар аҳли ва унинг ишонган вакиллари, оқсоқоллари, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва вазифалари, жамоатчиликнинг таъсир этиш шакллари, эркак ва аёлларнинг гаплари, уларнинг келиб чиқиши, ошна-оғайнилар, ҳамкасблар гуруҳи, аҳолининг миллий таркиби, миллий гуруҳлар ва уларнинг ўзаро муносабатларини ўрганиш кўзда тутилади. Одамлар ўртасидаги муносабатлар ва анъанавий миллий қадриятларни, қўшничилик ва қариндош-уруғчилик муносабатларини, меҳмондўстлик анъаналари, оилада аёлга, онага муносабат, қарияларга эътибор ва мурувват, бола тарбиясида одоб ва ахлоқ тушунчалари ва нормалари.

8-мавзу. Оилавий маросимлар. Тўйлар, ҳалқ оғзаки ижодиёти.

Оила ва оилавий муносабатларни, ўнинг ички алоқалари, никоҳ ва қон-қариндошлик муносабатларини ўрганиш. Оиланинг хўжалиги ва маиший турмуши, замонавий оилаларни ўрганишда тарихий-қийёсий маълумотларни афзаллиги. Оилавий муносабатларни ўрганишда иқтисодий омилларни, социал-иқтисодий ва маданий соҳаларнинг таъсирини ўрганиш. Оилавий муносабатларни ўрганиш ва унинг таркиби, сонини аниқлашда шахсий қузатув ва ахборотчилар билан суҳбат услублари. Оилавий маросимларнинг асосий қисми бўлган тўйлар, (унаштириш, нон синдириш, фотиҳа ва никоҳ

туйлари ва уларни ўрганиш). Туйгача бўлган маросимлар кийим - бичар ва «кўрпа солар» маросимларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш.

IV. Семинар машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотларида магистрант талабалар “Дала этнографик тадқиқотлар ўтказиш усуллари” фанидан маъруза дарсларида олган назарий билимларини мустахкамлаш билан бирга, семинарлар мавзулари бўйича тайёргарлик кўриш жараёнида қўшнича адабиётлар ва этнографик, этнологик манбалар билан танишиш орқали қўшимча билим оладилар. Натижада уларнинг билим доиралари илмий жихатдан асосланган ҳолда кенгаяди. Семинар машғулотлар тахминий тавсия этиладиган мавзулар

1. Моддий маданиятнинг бир қисми бўлган уй-жойлар ва хўжалик-маъмурий биноларни қуришда анъанавий қурилиш санъати услубларидан ва қадимий шарқона меъморчилик услубидан фойдаланишнинг афзаллиги.
2. Дала хужжатларини тўлдиришнинг қоидалари ва уни табиий шароитга қараб сақлашнинг баъзи усуллари.
3. Кийим турлари: кундалик устки ва ички кийимлар, маросим кийимлар ва мавсумий кийимлар ҳақида маълумот.
4. Уй-рузғор буюмлари билан боғлиқ урф-одат ва иримлар.
5. Анъанавий таом турлари.
6. Социал муносабатлар, ижтимоий ва маиший турмуш.

Фан учун дастур тузиш жараёнида мазкур мавзулар рўйхатидан семинар машғулотлари учун ажратилган соат ҳажмига мос ҳолда мавзу танлаб белгиланади. Шунингдек, семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалаларни ечиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустахкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

«Дала этнографик тадқиқотлар ўтказиш усуллари» фанини ўрганувчи талабалар аудиторияда олган назарий билимларини мустахкамлаш ва

иқтисодиётдаги амалий масалаларни ечишда кўникма ҳосил қилиш учун мустақил таълим тизимига асосланиб, кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида, мустақил иш бажарадилар. Бунда улар кўшимча адабиётларни ўрганиб ҳамда Интернет сайтларидан фойдаланиб рефератлар ва илмий маърузалар тайёрлайдилар, амалий машғулоти мавзусига доир уй вазифаларини бажарадилар, кўргазмали куруллар ва слайдлар тайёрлайдилар.

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиши тавсия этилади.

- 1- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан мавзуларини ўрганиш;
- 2- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- 3- компьютер технологиялари тизимлари билан ишлаш;
- 4- махсус адабиётлар бўйича реферат ва конспектлар тайёрлаш;
- 5- талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган адабиётлар, монография ва илмий тўпламларни чуқур ўрганиш;
- 6- интерактив ва муаммоли ўрганиш жараёнида фаол қатнашиш;
- 7- масофавий (дистанцион) таълимни ташкил этишда қатнашиш.

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қуланилиши назарда тутилган.

Антропогенез фани маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан:

Ўтказиладиган амалий машғулотларда “Кластер”, “Бумеранг”, гуруҳли фикрлаш педагогик технологияларини қўллаш назарда тутилади.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар.

1. Жабборов И.М. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. Т., «Шарк», 2007.
2. Герфенкель Г. Исследования по этнометодологии. М., 2007.
3. Аширова А. Этнология. Т., 2014.

4. Archeology: The Basics. London First published 2001 by Routledge Archaeology: the key concepts. First published 2005 by Routledge 2 Park Square. Milton Park. Abingdon, Oxon.
5. History of civilizations of Central Asia Volume 1,11. Unesco Publishing 2001.

Қўшимча адабнётлар

1. Салимов Т.У. Этнографик эспедицияларни ўтказиш услублари. Т., 1993.
2. Жабборов И.М. Жахон этнологияси асослари». Т., «Ўқитувчи», 2008
3. Узбеки / отв. ред. С.Н. Абашин. Д.А. Алимова, З.Х. Арифханова; Ин-т этнологии и антропологии им. Н.Н. Миклухо-Маклая РАН; Ин-т истории АН Узбекистана. М.: Наука. 2011.
4. И.Жабборов И.М. Ўзбек халқи этнографияси, Т., «Ўқитувчи», 1994.
5. Жилише народов Средней Азии и Казахстана. М. 1982 г. «Наука».
6. Костюм народов Средней Азии. М. М, 1979 «Наука».
7. Исмоилов Х. Анъанавий ўзбек кийимлари. Этнографик материаллар. Т., Фан. 1978 й.
8. Народы Средней Азии и Казахстана (под. Ред. С.ГТТолстова. М.. Изд. АНССР). 1962-63 гл .
9. Кабиров А.К.. Сагдуллаев А .С. Ўрта Осиё археологияси. Т. «Ўқитувчи», 1990.

Интернет санглари:

1. <http://eolob.narod.ru>
2. <http://bookz.com>.
3. <http://lib.com.ua/> библиотека
4. <http://vwww.computerbooks.ru>
5. <http://zipsites.ru>